

Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqarib boshlagan

№89 (6.614). Sotuvda erkin narxda


БУГУНГИ СОНДА



ПИСКЕНТДАГИ ХЎЖАКЎРСИНЛИК

(1-2-саҳифаларда)

"АЛ-ҚАСОСУ МИНАЛ-ҲАҚ"



ОҚҚАН АРИҚ ОҚАВЕРАДИ

(1-4-саҳифаларда)

(1-3-саҳифаларда)

ЎЗБЕКИСТОН-ПОЛЬША:

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 10-12 июл кунлари расмий ташриф билан Польша Республикасида бўлди.

Ўзбекистон ва Польша бир-бири учун ўз минтақаларида энг ишончли шериклардан ҳисобланади. Ўтган йил октябрда Александр Квасьневский Ўзбекистонга келгани ва энди мулоқотнинг узвий давоми сифатида Ислам Каримов расмий ташриф билан Польшага боргани ҳамкорликни кенгайтиришга интилиши нечоғли кучли эканлигини далиллади.



Мамлакатлар, халқлар бир-бирини қанчалик қадрлашсин, яқин кўрмасин, манфаатлар уйғун бўлмаса, чинакам ҳамкорлик қарор топиши қийин. Шу нуқтаи назардан қаралса, сўнгги вақтларда Ўзбекистон-Польша муносабатлари янада фаоллашгани кўпга соҳалардаги ўзаро манфаатдорлик ҳамда ана шу манфаатдорлик борасидаги ҳамфикрлик билан изоҳланади.

Польша Европада майдони жиҳатидан бешинчи, аҳолиси бўйича саккинчи ўринда туради. Унинг жаҳон иқтисодий эҳтиётидаги улуши шиддат билан кўпаймоқда. 1990 йили унинг ялли ички маҳсулоти жаҳон бўйича ялли ички маҳсулотнинг 0,3 фоизини ташкил этган бўлса, 2000 йили 0,5 фоизга тенглашди. Польша кўпга саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича етакчи ўринларда туради. Масалан, мис, кўмир, олтингургурт ишлаб чиқаришда биринчи ўнликка, сульфат кислотаси, цемент, чўян, телевизор, енгил ва юк ташуви автомобиллари, электр энергияси бўйича иккинчи ўнликка қиради.

қазилмаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, кимё саноати устуворлик касб этиши мумкин. Автомобилсозлик, тўқимачилик саноати, истеъмол моллари ишлаб чиқариш, шунингдек, энергия тежаш технологиялари, авиация техникасини ишлаш ва таъмирлаш, темир йўл транспортини замонавийлаштириш ва ривожлантириш, қадоклаш буюмлари тайёрлаш каби тармоқлардаги ҳамкорлик ҳам яхши самара беради.

Ўзбекистон ва Польшада нефть-газ саноати, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, банк-молия, сайёҳлик каби кўпга соҳалар бўйича алоқаларни ривожлантириш учун кенг имкониятлар мавжуд. Аънавий соҳаларга келсак, пахта сўнгги босқичга қадар қайта ишлаш соҳаси ҳамкорликнинг энг аҳамиятли бўлишидан бири бўлиб қолмоқда. Ислам Каримов таъкидлаганидек, Польша Ўзбекистон пахтасини Швейцария орқали олади. Ваҳолакин, бунга муктаб бил, ҳатто, айтиш мумкинки, бундан анча афзал йўл бор. Ўзбекистонда кўшма корхона очиб, пахта шунинг ўзида қайта ишлашни йўлга қўйса, икки томон учун ҳам фойдали бўлув эди. Айни пайтда рўстимизда Польша билан ҳамкорликда ташкил

этилган йигирмага яқин кўшма корхона бор. Тармоқлар салмоғи бўйича таснифлайдиган бўлсак, улар фаолиятида қурилиш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, пластмасса буюмлари, тиббий жиҳозлар тайёрлашдан кейин пахта қайта ишлаш туради. Кишлоқ хўжалиги мавзусини давом эттирганда, қармоқда етиштириш, галлакорлик, чорвачилик, селекция, полиз маҳсулотлари ва меваларни қайта ишлаш йўналишларидаги ҳамкорлик фойдали эканлигини айтиш даркор.

Яна бир ўта муҳим соҳа - транспорт коммуникациялари. Польша келаси йили ЕИГА қўшилиши. Унинг учун ривожланган Европанинг барча мамлакатлари янада кенг йўл очилади. Александр Квасьневский Ўзбекистонга келганида, Польша Ўзбекистон учун Европа дарвозаси бўлишига тайёр эканлигини айтган эди. Демак, Ислам Каримов сафар олдидан таъкидлаганидек, Польшага очилган чегара, очилган йўллар биз учун ҳам очилади. Варшава мамлакатимиз раҳбари бу масалага оид муҳим маълумотни келтирди. Биз Польша коммуникация тармоқларидан фойдалансак, ҳар тонна юкдан ўртача 40 АҚШ доллари тежашимиз мумкин экан. Бу рақамдан

Ислам Каримов ва Александр Квасьневский икки давлат ўртасида сиёсий, маданий, илмий алоқалар жадал ривожлантиришни таъкидлади. Уларнинг маълум қилишича, халқаро ҳамжамият диққат-эътиборида турган барча долзарб масалалар борасида Ўзбекистон ва Польшанинг қарашлари, ваъиятга берган баҳолари бир-бирига мос.

Сиёсат борасида, икки мамлакат раҳбарларининг узокни кўлаб қабул қилган қарорлари ўзаро уйғун экани Ўзбекистон ва Польшанинг бир-бирига янада яқинлаштириганини айтиб ўтиш ўринлидир. Мамлакатларнинг сиёсий ҳамжиҳатлиги эса, нафақат тараққиётга эришиш, балки ҳозир энг долзарб муаммага айланган террор балоисига қарши курашда ҳам кўп фойда бериши аниқ гап. Масалан, Президентимиз айтганидек, Польша, НАТО аъзоси сифатида, Ўзбекистонга армияни ислоҳ этишда яқиндан ёрдам бериши, ўзаро таъриба алмашиши мумкин. Таҳдидларга қарши туришда НАТОнинг ҳарбий-техникавий имкониятлари кўп қилиш тайин. Таъкидлаш жоизки, Шимолнинг аландида Польшага нисбатан алоҳида хайрихоҳлик бор. Ўзбекистон билан Польша Евро-Атлантика ҳамкорлик кенгаши доирасида кўп томонлама ҳамкорлик қилиб келар эди, мунофаа вазириликлари ўртасида тузилган ҳужжат бу борадаги алоқаларни янада кенгайтиришига йўл очди.

Польша сафари хайрли воқеаларга бой бўлди. Александр Квасьневский Ислам Каримовнинг ташрифи икки мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатлар белгиси эканлигини таъкидлар экан, Ўзбекистон Польшада элчихона очажигани маълум қилди. Бу воқеа тез орада самара беришига ишонч билдирди.

Мамлакатимиз раҳбари Александр Квасьневскийга Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳаёт тақозоси билан Ўзбекистонга келиб қолган поляклар тақдирини тўғрисидаги маълумотлар йиғилган архив ҳужжатларини топширди. Польша Президенти Ўзбекистон раҳбариятининг бу саховати полякларда ўзбекларга нисбатан ҳурмат-эътиром, хайрихоҳлик ва ишончини янада мустақкам-

лаши шубҳасиз эканлигини айтди.

Архив ҳужжатларини тегишли шахсларнинг яқинларига етказиш бундан буён ҳам давом эттирилиши маълум қилинди.

Александр Квасьневский Ўзбекистон Президентини Польша Республикасининг Хизматлар учун ордени билан тақдирлади. Бу орден Польшанинг давлатлараро ҳамкорликни мустақкамлаш ва халқлар ўртасидаги ҳамжиҳатлиги ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган шахсларга бериладиган энг олий муқофотиридир.

Ўзбекистон Президенти Фармонида кўра Александр Квасьневский Ватанимизнинг «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланди. Ушбу воқеалар Ўзбекистонда Польшага, Польшада Ўзбекистонга эътибор ва эътиром катта эканлигини англатади, албатта.

Польша сафарининг яна бир жиҳатини эслаб ўтиш жоиз. Ислам Каримов Гданьск шаҳрида бўлиб, унинг тарихий обидалари билан танишди. Гданьск эътибори баҳона, Александр Квасьневский билан мулоқот яна анча давом этди. Гарчи пойтахтда расмий кутиб олиш маросими бўлган эсада, бу шаҳарда ҳам денгизчилар ва ҳарбий оркестр олий мартабали меҳмонга яна бир бор Польша халқи ва ҳукуматининг эътирomini намойиш этди. Бу эса Президентимиз ташрифида алоҳида ҳозирлик қўрилгани, Польшада бу ташриф юқори баҳолангани ва Ўзбекистон билан ҳамкорлик юксак кадрлинишига яна бир ишора бўлди.

Музокаралар давомида қайд этилганидек, хозирги глобаллашув шароитида жуғрофий жиҳатдан нисбатан узок жойдан ҳамкор топшиш гайриоддий туялмайди. Муҳими, ҳамфикрлик, ўзаро манфаатдорлик, интилиш бўлиши керак. Ўзбекистон ва Польша муносабатлари бемалол бунинг тасдиғи бўла олади.

АНВАР БОБОВЕВ, ЎЗА МАХСУС МУХБИРИ.
Тошкент-Варшава-Гданьск-Тошкент.

СУРАТДА: ташриф пайти.
А.ТЎРАЕВ (ЎЗА) олган сураат.

ФАХР

ҲОРМАНГ ЭНДИ, ҚОРАҚАЛПОҚ ФАЛЛАКОРИ!

Бу йилги мавсум Қорақалпоғистон Республикаси галлакорлари учун омадди келди. Бултўр кузда экилган 50034 гектар майдондаги бугдойзорларда мўл ҳосил тўпланди. Деярли барча туманларда «Половчанка», «Крошка», «Анжиш» нави сара уруғлар экилиб, об-тобиде парвариш қилинганлиги ҳар қачонгидан ҳам юксак маррани эгаллаш учун асос бўлди.

Урим-йиғимда 135 та «Класс» русумли комбайнлар унумли ишлатилди. Мавсумда Хўжайли тумани галлакорлари, айниқса, астойдил меҳнат қилишди. «Найман» ширкат хўжалиги галлакорлари эса бир иш кунда шартномани удралашди. Шунингдек, «Озодлик», «Дўстлик», Ҳамза номили, Ойбек номили ширкат хўжаликлар деҳқонларининг ҳам йиллик шартномаларини режаларини бажаришлари учун уч-тўрт кун кифоя қилди. Ҳосилдорлик эса биринчи марта гектарига 45-50 центнерга етказилди.

«Бу галабада барча 15 та туманлар галлакорларининг муносиб улушлари бор» - деди Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги бошқарма бошлиғи Муродбой Муханов. Айниқса, Хўжайли, Қўнғирот, Тахтақўпир, Эллиқалва, Тўртқўл, Беғруний туманларида ҳосилдорлик юқори бўлди. Хали далаларда ҳосил мўл. Уларни тўлиқ ўриб-йиғиб олиш ишлари ушоққлик билан давом этапти. Натижанда 10 минг тонна уруғлик дон ҳам жамғариб қўйилди. Шунингдек, барча хўжалиқларда бугдойдан бўшаган ерлар пешма-пеш хайдалиб, озубоп экинлар экилапти. Айни пайтда 60 минг гектардаги шолзорларда ҳам ўсимлик ривож қўйилганлигидек бормоқда.

АБДУРАҲМОН ИСКАНДАРОВ, «Қишлоқ ҳаёти» муҳбири.

БАЛЛИ, САМАРҚАНД!

Самарқандлик галлакорларнинг юзи ёруғ бўлди. Улар ҳам давлатга галла сотиш шартномаларини режаларини удралашди. Қўбул меъзилҳоқларига 275 минг тоннадан зиёд сара дон етказиб берилди.

Эришилган улкан жиғимда вилоятнинг барча туманлари, хусусан, Паст Дарғом, Каттақўрғон, Иштиқон, Ургут, Оқдарё, Нарпай, Пахтачи ҳамда Жомбой тумани деҳқонлари муносиб улуш қўшдилар. Ҳосилдорлик ҳозирданқо вилоят бўйича ўртача 52 центнердан ошаётганилиги, хали қарийб эллик фоиз майдон ўрилмаганлиги ҳам дала меҳнатқашлари катта ва самарали меҳнат қилишганлигининг исботидир. Айрим ширкат ва фермер хўжалиқларида ҳосилдорлик гектар бошига 60-70, ҳатто ундан юқорироқ центнерга етказилмоқда. Ундан зиёд оилавий пудратчилар эса 80-90 центнерлик маррани кўзлаб туришгани янада қувончи.

Вилоятда галла ўрим-йиғими ушоққлик билан давом этмоқда. Далаларда ҳали ҳосил мўл. 500 га яқин комбайн тимимоси ишлатилапти. Миришқорлар ялли ҳосил миқдорини 600 минг тоннага етказиш учун астойдил гайрат-шижоат кўрсатмоқдалар. Шунингдек, ўримдан бўшаган майдонларни келгуси йилги экин учун шудгорлашга ҳам алоҳида эътибор қаратишмоқда.

МАМАДИЁР ЗИЁДИНОВ, Ҳамза ШУКУРОВ

НАВОИЙНИНГ ҚИРМИЗИ ДОНИ

Навоийлик деҳқонлар 42 минг гектар майдонда галладан юқори ҳосил етиштирдилар ва давлат омибига 85300 тонна дон топшириб, шартномаларини режаларини бажардилар. Тупроқ-иклим шароитида мўл навларни жойлаштириш, эркинлик, мулкдорлик, моддий манфаатдорликнинг баландлиги, деҳқоннинг омиборлиги туфайли дон етиштиришда ижобий натижаларга эришилди.

(Давоми 2-бетда)

ПАРОКАНДАЛИК

МУАММОЛАР ГИРДОБИДА

Пискент туманида ҳам айни пайтда галла ўрими давом этмоқда. Мавжуд 8400 гектар майдондан ўрта ҳисобда 50-55 центнердан ҳосил етиштирилган. Бу йил шартномавий режанинг бажарилишига, қолаверса, деҳқоннинг ҳам яхшигина манфаат кўришига шубҳа йўқ. Фақат мавжуд ҳосилни саражомлаш мавсуми қисқа вақтда, нест-нобудгарчиликсиз амалга оширилса бас.

Халқимизда хикматли гап бор: «ҳолва деган билан оғиз чўчимайди». Шаманинг моҳияти шуки, етиштирилган ҳосилга махлий бўлиб, уни тезроқ йиғиб олиш ўрнига фурсатни ўтказиб юбориш, «сен шошмай тур, олдин мен ўрай», қабилида комбайн талашини, бундан фарзали мақсадларда фойдаланиш, буйруқбозлик ва ҳоказо ноҳуш кўринишларнинг илдириш охири-оқибати доннинг баракасини қочириши мумкин. Бундай дейишимизнинг боиси, туманнинг баракасини қочириши мумкин.

АТТАНГ

Бундай дейишимизнинг боиси, туманнинг баракасини қочириши мумкин. Бундай дейишимизнинг боиси, туманнинг баракасини қочириши мумкин. Бундай дейишимизнинг боиси, туманнинг баракасини қочириши мумкин. Бундай дейишимизнинг боиси, туманнинг баракасини қочириши мумкин.

(Давоми 2-бетда)



ЖАҲОНГАШТА НЕЪМАТЖОН

Неъматжон Абдуллаев 35 ёшда. Тошкент давлат Аграр университети ни тамомлаган. Агроном-олим. Айни пайтда Фарғона туманидаги богдорчиликка ихтисослашган «Давр» фермер хўжалигининг бошлиғи.

(Давоми 2-бетда)

НАЖМИДДИН КУБРО ДУОИБАДИ...

Хоразмшоҳ ҳалокатида дахлдорми? Мелодий 1219 йил, ёзнинг сўнгги кунлари. Шарк мусулмон оламининг машҳур фойдаласуфи, ўз замонасидаёқ бутун дунёга овозаси келган Шайх Нажмиддин Кубро шогирдлари билан одатдагидек машғулот ўтказмоқда.

Бир неча кун тимимоси от чоптириб келган чопар Урганча кириши билан илк учраган кишидан Ҳазратнинг уйини сўради. Манзилнинг икки чакрими эканлигини билгач, отдан тушиб, уни етаклаганича йўлда давом этди. Шайх хонадонини яқинидаги дарахта отини боғлаб, кунгирадот уй дарвозасига яқинлашган, минг андиша билан қўлини кўксига қўйганча Ҳазрати Куброга овоз берди.

МОЗИЙ

«Чингизхон юртингизга лашкар тортишга амр этди. Сизга ўн нафар кишингиз билан Урганчдан чиқиб кетишга руҳсат бердилар.

«Қариндош-уруғ, дўст-ёрларни ташлабми? Қутулгангиз саволга жавоб беришга ожиз қолган элчи кетишга чолланди.

Маълум муддат ўтгач, яна қайтиб келган чопар мулозамат билан Ҳазратга таъзим қилганча шундай деди:

«Сиз ақилларингиздан юз кишини олиб Урганчга тарк этаркансиз.

Ҳазрат бир муддат жим қолдилар. Сунгра шундай жавоб берди: - Менинг ёр-дўст, уруғ-аймоқларим юз кишидан кўп.

(Давоми 4-бетда)



"ФАЛЛАБАНК" - ХОНАДОННИНГИЗГА БАРАКА КЕЛТИРСИН

ЎТМИШ ВА БУГУН

1910 йилда Мирзачўлда хозирги Бобвуғ ва Гуллистон туманлари ҳудудларини сугориш учун ариқ қурилиши бошланади.

Қурилишга маҳаллий аҳоли - асосан деҳқонлар жалб этилади. Ҳамма иш кетмон ва курак билан, кўл кучида бажарилади. Тупрокни ташқарига ташиб чиқаришда эса қоплар ва эшаклардан фойдаланилади. Тошкент вилоятининг маҳаллий аҳоли - асосан деҳқонлар жалб этилади. Ҳамма иш кетмон ва курак билан, кўл кучида бажарилади. Тупрокни ташқарига ташиб чиқаришда эса қоплар ва эшаклардан фойдаланилади.

МИРЗАЧЎЛНИНГ ҚОН ТОМИРИ

лоятидан ҳам деҳқонлар ёрдама ташланади. Иш жуда оғир шартда олиб борилди. Озик-овқат, ичимлик суви етишмас, ариқ қазувчилар орасида турли юқумли касалликлар тарқалар ва улар иклим шароитидан қийналишарди. Туркистон генерал-губернатори қурилишда катнашаётганлар устидан миришаблар назоратини ўрнатди.

(Давоми 3-бетда)

ҚУШЛАР ҲАМ ЗИЙНАТ

Қушлар-у хайвонлар, тоғу тошлар, дарахту гийҳлар, ям-шил қири адиралар, сува ҳува - буларнинг барчаси табиятнинг бизга тортиқ қилган инъомларидир. Биз бу бойликларни асраб-авайлаб кўпайтиришимиз керак.

Табиики, хозирги пайтда ноёб қушлар ва жониворларнинг баъзи бир турлари қайтиб кетяпти ёки йўқолиш арафасида турибди. Бу табиятга нисбатан лоқайд қараб келаётганлигимизнинг оқибати эмасмики? Дарҳақиқат, инсоннинг табиятга, табиий бойликларга бефарқ муносабати оқибатида ер юзиде қушларнинг 139 тури ном-нишонсиз йўқолгани олимлар томонидан аниқланди. Шунга кўра «Қизил китоб-дан қушларнинг 33 тури жой олган. Айниқса, улар орасида тоғ зои, болтаютар, оқдум бургут, дашт бургути, йўрга тувалоқ, қора лайлак, лочин, кирговул, тустовуқ, илон бургут ва бошқалар бор. Мана шу турларнинг деярли кўпчилигини бизнинг ҳудудимизда учратиш мумкин. Лекин улар хозирги кунда инсон муҳофазасига муҳтож.

Масалан, оддий бир қуш - кўкқарғанин қайтиб келтириш керак. Масалан, оддий бир қуш - кўкқарғанин қайтиб келтириш керак. Масалан, оддий бир қуш - кўкқарғанин қайтиб келтириш керак. Масалан, оддий бир қуш - кўкқарғанин қайтиб келтириш керак.

(Давоми 4-бетда)

БУНИ ХАЁТ ДЕЙДИЛАР...

БОРМИСИЗ... ЎЛМАС АКА!

"Ешлар" телеканалнинг "Оханрабо"си яхши, чунки азалий ва абадий мақомларни лозим бўлган пардаларда ижро этиш қа-анчалик қийин бўлмасин, шунга интилишининг ўзи ҳам олқишлалга лойик...

Менинг эса кўзим... Ўлмас акада - тасвирчи нуқул Ўлмас акани кўрсатса экан, дейман. Асосий меҳмон талабаларнинг саволларига жавоб бераётганда ёнимдагиларга Ўлмас аканинг нақадар забардаст машоқ эканлигини, мақом йўлидаги қўшиқларни ҳам жуда баланд пардаларда айтишини... гапириб ўтирдим.

Тождидин РАЗЗОВ

БИР ЙИЛДА УЧ САҲИФА

Носир раис буванинг бошқача жавоб беришини кутганди. Аммо... Носир тарихчи сифатида қўшни қишлоқ тарихини ёзиб, ўқиб кўриш ва ҳомийлик қилиш учун кўлэзгани раисга берганди.

Умид БЕКМУХАММАД

БОЛАЛИ УЙ...

Дадаси, нега халқимизда "қўшининг тинч - сен тинч" деган мақол бор-у, "қўшининг тўқ - сен тўқ" деган мақол йўқ, - деди Рисолат эрига зарда аралаш киноя билан.

Д.ТОЖИЕВ

БИРОНТАСИ ШАҲРИНИСОГА ЎХШАМАДИ

Мактабда ўқийман. Дарсдан қайтаман. Ҳовлиларимиз топ-тоза, аммо кўчамиз ифлос. Маҳалламиз чоллари хархаша қилишди: "Биронтанг уяланма-гунларингча кўчамизга сон кирмайди".

Мухаммад ТОШБОЛТАЕВ

(Боши 1-бетда) Гап шундаки, Нейматжон шу ёшида дунёнинг Франция, Голландия, Англия, Америка Қўшма Штатлари каби бир қатор тараққиётган давлатларига бориб келишга, дўст-биродар ортиришга улгурган.

ЖАҲОНГАШТА НЕЪМАТЖОН

Неъматжон кулади. -Жуда оддий, - дейди у, - ўзини тамомлаб, дехон-фермер ҳўжаликлари тўман вакилчилигида ишлаб юрган кезларим эди. Фалонинг гардиши билан франциялик тенгдошим Жан Махабо билан танишиб қолдим.

билан танишишга бордик. Голландияда экин майдонлари денгиз сатҳидан анча пастда жойлашган. Лекин голландиялик фермерлар картошқадан дунё бўйича энг юқори ҳосил олишди.

АҚШнинг Миссури штатида фермерлар, уларга хизмат кўрсатувчи кооперативлар фаолияти билан яқиндан танишдик. Кооперативлар кўп, нархи арзон. Ишни ўз вақтида сифатли қилиб баҳарчи менда катта таассурот қолдирди.

Неъматжон билан гаплашиб ўтириб, унинг ўзини тутишига, одобига, камтар-камсўқумчилигига эътибор бердим. Муомаласи самимий, сўхбат дилшас, дилтортар. "Дунё кўрган йигит-да", деган ўй ўти жалғимиздан.

Ортиқали НОМАЗОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.



Гулистондаги "Зилола" очик ҳиссадорлик жамятида пахтадан ип калава йиғириш кенг йўлга қўйилган. Ишлаб чиқарилган маҳсулот нафақат юртимиз, балки қўшни давлатларга ҳам сотилмоқда.

Б.АКРАМОВ олган сурат.

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ СЕМИНАР

Тошкент ўЗА мухбири Н.УСМОНОВА/ Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасида Юртбошимизнинг 2003 йил 6 майдаги «Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Феррнинг асосий қондаларини тушунтиришга доир илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Маълумки, қурилиш хар қандай мамлакат иқтисодиётининг илғор тармоқларидан бири саналади. Бугун Ўзбекистон хориқлик меҳмонларни кенг қўламли янги қурилишлар, ёш муस्ताқил давлатнинг янги архитектура-шаҳарсозлик ечимлари билан кутиб олмоқда.

Хоразм вилоятини сув билан таъминловчи "Туямўйин" гидроузели бундан 30 йил олдин Амударёнинг қуйи қисмида, яъни Ҳазорасп туманининг Питнак қишлоғида қурилиб, ишга туширилган эди.

НАВОЙНИНГ ҚИРМИЗИ ДОНИ

Навоий туманидаги "Ўзбекистон", Қ.Раҳимов номли, "Ҳазора", Хатирчи туманидаги Э.Абдиев номли, Навбахордаги "Янгиқўрган", "Истиқлол", Қизилтепадаги Навой номли ширкат ҳўжаликлари фаллокларни хар гектар майдондан 50-58 центнердан хирмон кўтардилар.

Дарҳақиқат, бу сўз хар бир инсоннинг қалбига офтоб янглиғ кириб борган. Шу боис бугун навоийликлар шалзор нафаси, галаба нашидаси билан яшамоқда.

Ҳамдам ЭШОНКУЛОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

ЯХШИ ҚИЯРЛАР ЯНГИ ГАЗЕТА

Фаргона вилоятида яна бир янги нашр дунё юзини кўрди. Биринчи сони муштарийларга тақдим этилган газетани номи "Меҳнат ва турмуш" бўлиб, унга қасаба уюшмалари Фаргона вилояти кенгаши муассислик қилмоқда.

Жаҳонгир ХОЛИҚОВ

ЭЛЕКТРОН САВДО АМАЛДА

Республика кўчмас мулк биржаси Самарқанд филиалида электрон савдо йўлига қўйилди. Харидорлар учун қулай ва энгил бўлган бу усул ортиқча харажат талаб қилмайди.

ҲАМДЎСТЛИКДА ЯГОНА

Самарқанддаги "Афросиёб" йўллардан фойдаланиш бошқармаси янги асфальт заводига эга бўлди. Уни ишга туширишда Германиянинг "Аммани Глобал" компанияси мутахассислари муносиб улш қўшдилар.

Ҳамза ШУКУРОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

МАЪНАВИЯТ КУНЛАРИ

ТОШКЕНТ. ўЗА мухбири Л.СУВОНОВ/ Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши мамакатимиз мустақиллигининг 12 йиллиги олдидан вилоят шаҳар ва туманларида Маънавият кунларини ўтказмоқда. Шундай учрашувлардан бири Бекобод туманида бўлиб ўтди.



(Боши 1-бетда) Вақт ўтиб борапти, хар қуни туман марказига қатнайвериш жонга теккан, ноилж ёнимдан 55 минг сўм нақд пул, устига-устак яна 95 литр солярка сотиб олиб бериб, қоракалпоқлик қардошларни етаклаб келдим.

Мавсум давомида даладан донни қабул қилиш манзиллариғача ташвиш масъулиятини зиммасига олган тумандаги 82-автокорхона ҳам белгиланган топшириқларни қўйилмақом қилиб бажара олмайпти.

Ҳа, корхона раҳбари ўз жумбоқлари билан ўралашиб қолган бир пайтда, доннинг далада тўқилаётгани, оқибатда галла ифлосланиб, сифати бузилаётгани, фермернинг донни қўлда қайта ортиши, ортиқча харажатлар, буларнинг ҳаммаси туманда мавсумнинг уюшқоқлик билан ўтишига жиддий таъсир кўрсатмоқда.

ҳодимлари етиб келишди. -Очиги, ҳозир эшитдим... эшитиб, қулогимга ишонмадим, шунинг учун бу ёққа елдек учиб келдим, - дейди туман прокурорининг ёрданчиси Зафар Мирзараҳимов. - Галланнинг майса вақти мол тушса, пайхон қилса, тушуниш мумкин. Бугун-эрта ўрладагидан бугдўзорга мол хайдаш...

Туманда шартномани бажариб, ўз омборини ҳам донга тўлдирётган фермерлар кўп. 30 гектар ерда галла етиштирган "Эркин" фермер ҳўжалиги давлатга топширганидан ташқари, 80 тонналик ўз уллушига эга бўлди.

"Туркистон" ширкат ҳўжалигининг ижарачилар билан тузилган ички шартномаларига назар ташладиқ. Галлачилик бўйича ернинг бал бонитети аниқланмай, ижарачиларга ҳосилдорлик таваққалига, турлича белгиланган. Пудратчиларнинг ҳўқуқлари тушунтирилмаган. Қолаверса, ширкат ҳўжалиги раиси Мамаसाид Эсоновнинг ҳўқуқий билим савияси ҳам таажжубга солади, кишини.

ПАРОКАНДАЛИК

бунақ пулининг ярмини ололмадик. Пахта тозалаш заводи эса ўтган йилги ҳўсимилигининг 20 фоизли пулини ҳамон узгани йўқ. Ваъда... ваъда... Эй, ўлсин шу ваъдалар ҳам... Агар чопа-чоп қилиб, саргардон бўлмай, ўз юмушимизни қилганимизда, бу йил режадан ортиқча 120 тонна дон оламиз, деган ният бор эди...

ПАЙХОН

"Туркистон" ширкат ҳўжалигининг ижарачи Рўзимухаммад Норбулгаевага қарашли бегона ўт босган 4 гектарлик, ҳали қомбайн тушмаган бугдўзорида 6-7 бош қорамол бемалол "сайр" қилиб юрибди. Ё алҳазар... биттамас, иккитамас, бутун бўлини пода-ку бу!

"ҲўЖАМ КўРСА БўЛГАНИ..."

"Туркистон" ширкат ҳўжалигининг ижарачилар билан тузилган ички шартномаларига назар ташладиқ. Галлачилик бўйича ернинг бал бонитети аниқланмай, ижарачиларга ҳосилдорлик таваққалига, турлича белгиланган. Пудратчиларнинг ҳўқуқлари тушунтирилмаган. Қолаверса, ширкат ҳўжалиги раиси Мамаसाид Эсоновнинг ҳўқуқий билим савияси ҳам таажжубга солади, кишини.

мизда қоладиган қисми қизиқтиради. Нақд пулли ойланика... ишонмаймиз. Акциядорлик-тикорат "Галлабанк"нинг Пискент бўлими маълумотномасидан: "2003 йил 4 июлгача "Туркистон" ширкат ҳўжалиғига иш ҳақи учун нақд пул берилмаган".

"Туркистон"да тартибнинг ўзи йўқ экан. Урим ҳам кеч бошланган, сурьат ҳам паст. Сабаб - майдонларни бегона ўт босган. Бу эса виждонсиз одамларга-у, уларнинг қорамоллариға қўл келмоқда.

Молиддан Эшонкулов гурурланиб. - Нима? Бал бонитет? Оббо... Шу нарсани аниқлаш ёдимиздан кўтарилибди. -Мен янги раисман, 7 ой бўлди, шу ҳўжаликни "оёққа" қўйиб беринг, дея илтимос қилишгани учун келувдим, - дейди ширкат раҳбари Иномжон Мирзахмедов. - Ҳозир иш ҳақидан қарзимиз 15 миллион, дебиторлик қарзларимиз қарийб 10 миллион, ёни-ли-молаш материалларидан 17 миллион, ўғит таъминотидан 34 миллион, бюджет ва бюджет олди тўловларидан 95 миллион ва транспорт ташкилотларидан 14 миллион сўм... Умуман олганда, кредиторлик қарзларимиз 295 миллион сўмни ташкил этади... Шу қарзларнинг ҳаммасини бу йилги галла ҳосили билан бартараф этмоқчиман!

Маскуд АКРАМОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

